

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

10-ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳакимжон Ҳамидов олиб борди.

Йиғилишда комиссия аъзоларининг хизмат ва-зифалари тақсимланиб, сайлов кампанияси давомида жойларда қонунчи-ликка қатъий амал қилини-шини назорат этиш ва те-гишли ёрдам кўрсатиш мақсадида комиссия аъзо-

лари вилоят шаҳар ва ту-манларига бириктирилди. Шунингдек, округ сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирла-ри тақвим режаси тасдиқ-ланди.

Таъкидланганидек, ок-

руг сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституция меъёрлари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари, Марказий сайлов комиссиясининг қарор ҳамда тегишли тақвим режасига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширади.

Йиғилишда округ сайлов комиссияси ваколати-га қиравчи бошқа масала-лар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси томонидан вилоят оммавий ахборот воситалари учун брифинг ўтказилди.

БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда комиссия раиси Ҳакимжон Ҳамидов жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик жараёнлари ҳусусида тўхталиб, сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури асосида олиб борилишини таъкидлади.

Округ сайлов комиссияси аъзолари вилоятнинг аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган обрўли вакилларидан иборат таркибда шакллантирилганлиги эътироф этилди. Комиссия аъзоларининг рўйхати, манзили ва телефон рақами "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида эълон қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш истагини билдирган ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этган. Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатлар асосида – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун ижозат берган. Ҳозирда жойларда сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ишлари қизғин олиб борилаётган.

Ф. ТОЛИПОВ.

МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси қошида матбуот маркази иш бошлади. Ушбу марказ вилоятимизда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение, радио, матбуот ва интернет сайтлари ходимларини сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан ҳамкорликка чорлайди. Айни кунларда журналистларни аккредитациядан ўтказиш бошланди.

Журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби

Журналистларни аккредитациядан ўттириш учун матбуот гуруҳига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- округ сайлов комиссияси номига ОАВнинг расмий бланк-сида журналистни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза;
- аккредитациядан ўтадиган журналистнинг 3,5х4, см. ўлчамли икки дона фотосурати;
- ОАВнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, электрон ОАВ учун эфирга узатиш лицензиясининг нусхаси.

Матбуот гуруҳи телефони:
(0-371) 232-80-55.

ХАЛҚИМИЗНИНГ 96 ФОИЗИ ЎЗ ОИЛАСИНИ МУСТАҲКАМ ВА БАХТЛИ ҲИСОБЛАЙДИ



Халқимиз оилани соғлом авлод тарбияси, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий кўргони, деб билади. Чунки, инсон қалбида маънавиятнинг илк куртаклари, аввало, оиладаги муҳит таъсирида намоён бўлади. Маънавият инсон онгига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси билан сингиб боради.



Бу жиҳатлар яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг "Оила ва маънавият" мавзuida ўтказган ижтимоий тадқиқотида яна бир бор ўз исботини топди. Тадқиқотдан мақсад мамлакатимиздаги оилаларнинг барқарор маънавий-ахлоқий қадриятларини, унинг жамиятдаги аънавий ижтимоий тузилма сифатидаги ривожланиш омилларини аниқлаш эди. Бу оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришда миллий-умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва ролини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДА

Нуфузли "The Lancet" тиббиёт журнали томонидан таъбат, ҳаёт ва саломатлик билан боғлиқ барқарор ривожланишнинг кўрсаткичлари бўйича дунё мамлакатлари рейтинги эълон қилинди. Унга биноан, жаҳондаги 188 давлат ўртасида Ўзбекистон 55-ўринни эгаллади. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасидаги энг яхши кўрсаткичдир.

Нигох

Энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган бешта давлат рўйхатидан Исландия, Сингапур, Швеция, Андорра ва Буюк Британия жой олди. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистондан кейин Туркменистон (60-ўрин), Озарбайжон (75), Молдова (80), Қозоғистон (85), Арманистон (86), Тожикистон (99), Қирғизистон (113), Украина (118), Россия (119) ва Беларус (120) давлатлари жойлашган.

Мамлакатлар ўринларини белгилашда назарда тутилган мезонлар орасида болалар ва чакалоқлар ўлими, йўл-транспорт ҳодисалари, болалардаги ортиқча вазн, алкоголь ва тамаки истеъмоли даражаси,

одам иммунитетига танқислиги вируси (ВИЧ), сил ва В гепатити билан касалланиш каби бир неча кўрсаткичлар мавжуд. Ҳар бир мезон бўйича ҳисоблар 1990-2015 йиллар ораллигидаги вазиятларнинг таҳлили асосида чиқарилди.

"The Lancet" ушбу рейтингни тузиш учун инobatта олган кўрсаткичлар 2015 йил сентябрь ойидаги БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига асосланган. Улар 17 та глобал мақсадни (қашшоқликни бар-тарф этиш, очликка барҳам бериш, таълим олиш имкониятини таъминлаш ва ҳоказо), 169 та вазифа ҳамда 230 та аниқ мақсадга йўналти-

рилган саъй-ҳаракатларни ўз ичига олган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш бўйича бирин-кетин диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Давлат дастурларида назарда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижа-сида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, даволашнинг энг янги услублари кенг қўлланилмоқда, аҳолига биринчи даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилишининг замонавий тизими яратилган. Шошилиш ва махсус тиббий ёрдам кўрсатиш тизими изчил-лик билан такомиллаштирилмоқда.

"The Lancet" журнали тадқиқотининг натижалари Ўзбекистон бўйича бошқа нуфузли халқаро институтлар томонидан берилган баҳоаларни тўла тасдиқлайди. Шунинг эслатиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон жаҳондаги нуфузли ташкилот – "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро муассасаси томонидан тузилган дунё рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор ўн мамлакат қаторидан жой олган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия уни-верситети социологлари томонидан ўтказилган яна бир тадқиқот натижа-ларига кўра, Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингиде 158 мамлакат ораси-да 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгалла-ган.

"Жаҳон" АА.

Маънавият

ШАХСИЙ КУТУБХОНАЛАР АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Эсимизни таниб-мизки, она алласи билан бирга эртақлару жиддий адабиётлар орқали қанча латиф сўзларни тинглаган-миз. Бу гўзалликни ҳеч нарсага қийс-лаб бўл-майди. Сабаби, гўзал сўзга ташналик ва азал-абад шунга инти-либ яшаш фақат инсо-ниятга берилган илоҳий неъмат.

Узоққа бормайлик, яқин ўтмишимизда яшаб ижод этган Асқад Мухтор, Пиримкул Қодиров, Шукр Холмиров, Ўлмас Умарбеков сингари адиблар, Файзулла Ас-Салом, Беғали Қосимов, Озод Шарафиддинов каби илм салафларининг улкан адабий мероси маънавиятимиз бойлиги-га айланган. Агар улар-нинг меросини, маъри-фатини ўз вақтида кенг тарғиб қилсак, келажак авлод олдидаги маъна-вий бурчимизни адо эт-ган бўлардик.

Истиқлол йилларида барча соҳалар сингари адабиётга ҳам юксак эътибор кўрсатилмоқда. Хусусан, Абдулла Қоди-рий, Фитрат ва Чўлпон сингари адибларимиз-нинг ижоди қайта тик-ланиб, ўрганилди. Ай-ниқса, Алишер Навоий бобомиздан тортиб, халқимизнинг яна бир қанча буюқ фарзандларига ма-ҳобатли ёдгорликлар ўр-натилиб, уй-музейлари ташкил этилгани мада-ний ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Устозлар уй чирогини муносиб ёритиб келаятган фар-зандлар талайгина. Аммо, бунга ҳамманинг ҳам кунт ва саботи ета-вермайди. Бундай фикр-мулоҳазаларга келишим-га, бир дилсиёҳлик са-баб бўлди.

Намоз ТОЛИПОВ
ёзиб олди.

Давоми 3-бетда.

Қонун кучга кирди

2016 йил 16 сентябрда имзоланган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ички ишлар органлари мақоми ҳамда фаолиятини ҳар томонлама тартибга

солиш баробарида, улар зиммасидаги кенг қўламли вазифа-ларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Акмал РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мудоффа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари:

– Мазкур Қонунни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жамо-атчилик, амалиётчи мутахас-сис, эксперт ва олимлар жалб этилгани унинг ҳар томонла-ма пишиқ бўлиши, замонавий талаб ва амалдаги қонун ҳуж-жатлари билан уйғунлаштириш учун шароит яратди. Аввало, Қонунни тайёрлаш босқичи-да амалдаги қонунчилик ҳар томонлама инвентаризация қилиниб, соҳа фаолиятини тартибга солувчи 94 та нор-матив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 19 та қонун, Пре-зидентнинг 17 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамаси-нинг 58 та норматив ҳуж-жати ҳамда амалий тажриба

таҳлил қилинди. Шунингдек, АҚШ, Австралия, Буюк Бри-тания, Германия, Канада, Ита-лия, Норвегия, Польша, Рос-сия, Франция, Жанубий Ко-рея каби 30 дан зиёд мамла-катлар ички ишлар органла-ри фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий тамойиллари қиёсий таҳлил этилди.

Айни чоғда Қонуннинг асо-сий моҳияти, қоида ва меъ-ёрларини кенг жамоатчилик ҳамда олимлар, эксперт ва мутахассислар иштирокида атрофлича муҳокама қилиш-га қаратилган 30 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Улар-нинг фикрича, яхлит қонун-нинг мавжудлиги ички ишлар органлари обрўсини янада мустаҳкамлаш баробарида, тизим фаолиятини бугунги кун талаби даражасида тако-миллаштиради, бошқа орган

ва ташкилотлар билан ҳам-корлигини кенгайтиради ҳамда ходимларнинг ўз зим-маларига юклатилган вазифа-ларни бажаришдаги масъу-лиятини янада оширади. Зеро, ушбу Қонун моҳият-эътиборига кўра, айнан вақ-тида қабул қилингани, дав-лат, жамият ва шахс ҳаётига бевосита тааллуқли муҳим ижтимоий масалаларни тар-тибга солиши билан ажралиб туради.

Хусусан, мазкур Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифаси сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эр-кинликлари ва қонуний ман-фаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки-ни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун усту-ворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъ-

минлашдан, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат экани аниқ белгилаб қўйилди. Ҳуқуқий кафолатлар сифатида ички ишлар органи ходимининг қонуний фаолиятига арала-шиш мумкин эмаслиги ёки бошқа давлат органига ишга ўтказилганида аввалги иши-га қайтиш ҳуқуқининг сақла-ниши ёхуд ходим жисмоний куч ёки махсус восита ёхуд ўқ отар қуролни қўллаш натижа-сида етказган зарари учун агар унинг ҳаракати мазкур қонун доирасида бўлганда жавобгар бўлмаслиқ белги-ланган бўлса, уларнинг ижти-моий ҳимояси турларига ва-зирлик қошидаги тиббий му-ассасаларда бепул ёрдам олиш, ходимнинг мулкига унинг хизмат фаолияти билан боғлиқ етказилган зарарнинг

тўлиқ қопланиши, имтиёзли давлат пенсия таъминоти, давлат сугуртаси ва бошқа кафолатлар киритилди.

Бундан ташқари, Прези-дент қарори билан ички иш-лар органлари ходимларига тураржой ижараси учун пул-лик компенсация тўлаш, Ва-зирлар Маҳкамаси белгилай-диган тартибда узоқ мuddат-ли, имтиёзли ипотека кре-дитларидан фойдаланиб, квартира ва якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуқи берилди.

Илҳом ТУРҒУНОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъмин-лаш босқармаси бошлиғи:
– Қонун лойиҳаси Қонун-чилик палатасидаги муҳока-маларда ҳар томонлама экс-пертизадан ўтди, дейишга

бизда тўлиқ асослар бор. Чунки, бу жараёнга кенг жа-моатчилик, амалиётчи мута-хассислар, эксперт ва олим-лар жалб этилгани, унинг ҳар томонлама пишиқ бўли-шига, замонавий талаб ва амалдаги қонун ҳужжатлари-га уйғунлашувига имкон яратди. Қолаверса, муҳока-малар жараёнида бир қатор вазирлик ва идоралардан экспертлар хулосаларини олди.

Муҳими, Қонун лойиҳаси-га мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятидаги сўнгги йиллар тажрибаси, амалга оширилаётган исло-хотларнинг устувор йўна-лишлари, миллий ва хориж тажрибасининг қиёсий таҳ-лили, шунингдек, соҳадаги халқаро ҳужжатларни ино-батта олган ҳолда ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритил-ди. Ички ишлар органлари-нинг умумий ҳамда махсус мажбурият ва ҳуқуқлари, шунингдек, ваколатларини аниқ белгилашга қаратил-ган нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

ЮКСАК АХБОРОТ МАДАНИЯТИ САРИ

Тошкент Давлат аграр университети-нинг ахборот-ресурс марказида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан "Юксак ахборот маданияти сари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Президент ҳузуридаги статистика бўлими ходимлари, Ҳаракатнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда фаол ёшлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар ахборот технологиялари ривож ва унинг босқичлари, электрон ҳукуматнинг тузилиши, шунингдек, ахборот хавфсизлиги тўғрисида маълумот бериб, ахборот тизимини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатлари билан таништиришди.

Қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган семинарда вилоятнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Отабек ИСРОИЛОВ.

Адлия идораларида

Бугун озод ва фаровон юртимизда хотиржамлик ҳукмрон. Жамиятимиз демократия ва қонун устуворлигига асосланган. Бу мезонларни, хусусан, адолат тамойилларини таъминлашда адлия органларининг хизмати бекиёс.

Адлия фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминловчи қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб борувчи органдир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом адлия органларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолият тартибини янада аниқ белгилаб берди.

Адлия вазирлиги ўз вазифаси ва мақоми бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи ижро

ЭНГ ОЛИЙ КАДРИЯТ

орган бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир. Бу адлия органларининг демократия асосида эркин фаолият юритишини таъминлайди.

Юртимизда мустақиллик шарофати билан халқ фаровонлиги ва давлат тараққиётини таъминловчи демократик руҳдаги қонунлар қабул қилинмоқда. Бу жабҳада вазирлик таркибидagi қонунчилик бош бошқармасининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Бошқарма таркибидa жиноят, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси, иқтисодий қонунчилик бошқармаси, идоравий меъ-ёрларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси, қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси сингари бўлимлар мавжуд. Кўриниб турибдики, ҳар жабҳада қонунчиликни такомиллаштириш, самарадорлигини

ошириш тизимли асосда ҳал қилинган. Бошқарма таркибидa қонунчилик соҳаларининг бу тарзда ихтисослаштирилгани ҳар ким ўз ишининг устаси бўлишини таъминловчи мезондир.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг энг устувор вазифаси саналади. Шу сабабдан давлат тараққиёт сари қадам ташлар экан, аввало, ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлида ислохотлар олиб боради ва бунинг халқ манфаатлари йўлида амалга оширади. Адлия органлари фуқароларга ҳуқуқий тавсия ва маслаҳатлар беради, эҳтиёж ва манфаатларини қонуний асосда қондириш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизда тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказишнинг содда ва самарали

тизими яратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-қарори-га асосан юридик шахс сифатида барча тадбиркорлик субъектлари ари-засини кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорни 7 иш кунидан кечиктирмай қабул қилиш ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказишни уларни ҳисобга олиш билан бир вақтда "бир йўла" тамойили асосида амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Мухтасар айтганда, давлатимизда ҳар бир тизим ва соҳанинг барча бўғини демократик тамойиллар асосида олиб боради ва босқичма-босқич ислох қилиб бори-моқда. Бундан асосий мақсад қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятини қуришдир.

Умид БОЗОРБОВ,
Зангиота туманидаги
12-давлат нотариал
идораси котиби.



ХАЛҚИМИЗНИНГ 96 ФОИЗИ ЎЗ ОИЛАСИНИ МУСТАҲКАМ ВА БАХТЛИ ҲИСОБЛАЙДИ

Тадқиқотда қатнашганларнинг 94,5 фоизи давлатимиз оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатаётганини эътироф этган. Давлатнинг бундай эътиборини кўпчилик респондент маънавий-ахлоқий кадриятларнинг моддий бойликларга нисбатан устунлигида кўради.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон оилаларида ахлоқ шаклланишига энг кўп таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ҳам ўрганилган. Ўзбекистон оилаларининг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда оила (86,7 фоиз), маҳалла (52,1 фоиз), таълим муассасалари (48,2 фоиз), ижтимоий муҳит (33,9 фоиз) ва телевидение-нинг (29,4 фоиз) устувор таъсири ҳақидаги фикр бир неча йиллик сўровлар мобайнида барқарор қолмоқда.

Тадқиқот натижалари оила қуришда ахлоқий йўналишлар барқарор эканини кўрсатди. Масалан, мустақил ва бахтли оила барпо этиш шартларининг кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолмоқда. Улар орасида эр-хотиннинг ўзаро ишончи, бир-биридан розилиги биринчи ўринни эгаллайди. Иштирокчиларнинг фикрича, эр-хотиннинг ўзаро муҳаббат, фарзандлар оила барқарорлиги ва мустақиллигини белгилувчи муҳим омилдир.

Сўровнинг кўрсатишича, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (96 фоиз) ўз оиласини мустаҳкам ва бахтли, деб ҳисоблайди. Халқимиз бахтли оилавий ҳаётни ўзаро ишонч, муҳаббат асосида қурилган муваффақиятли никоҳда кўради.

Ижтимоий сўров ёшлар ўртасида олий маълумот олишга интилиш бўлаётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фар-

мамлакатимиз аҳолиси ёши катталарга хурмат, меҳнатсеварлик, камтарлик, ўзини жамиятда муносиб тутиш ва кекса авлодга эътиборни фарзандларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг устувор йўналиши, деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг ҳар иккинчиси оилавий мажбуриятлар ота ва она ўртасида тенг тақсимланган оилаларда юксак ахлоқли ва ҳар томонлама соғлом фарзандлар тарбияланади, деган фикрда.

Ёш авлод ота-оналарининг муҳим кадрият йўналишлари бўйича қарашларига қўшилиши, фарзандлар тарбиясида катталарнинг роли ўсиб бораётганини эътироф этиши ҳам тадқиқотда намоён бўлди. Бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бир неча авлод вақиллари яшовчи оилалар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида оила институти-ни янада мустаҳкамлашнинг тақозо этади.

Тадқиқот аксарият оилаларда болаларни юксак маънавий-ахлоқий қондалар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилаётганини кўрсатди. Халқимиз фарзандлари онги-қалбига, биринчи навбатда, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқда. Айни вақтда меҳнатсеварлик, миллий ғурур ва ўзликни англаш туйғусини ривожлантириш, кўнгил тозаллиги, камтарлик, диний ва миллий бағрикенглик инсоннинг юксак ахлоқини белгилайди.

Ижтимоий сўров ёшлар ўртасида олий маълумот олишга интилиш бўлаётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фар-

зандларини олий таълим муассасаларида ўқитиш имкониятлари анча ошган. Тадқиқот мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти фарзандлари замонавий шахслар бўлиб қамолга етаётганига қатъий ишонишини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оилалар болаларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантиришда. Иштирокчилар давлатимизнинг болалар спортини ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш стратегиясини фаол маъқуллаган. Уларнинг фикрича, бу "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида ёрқин намоён бўлмоқда.

Сўров иштирокчиларининг мутлақ кўпчилиги (96,7 фоиз) оилавий ажримларга қарши муносабат билдирган. Уларнинг фикрича, бу болаларнинг таълим-тарбияси ва келажига салбий таъсир кўрсатади.

"Оила ва маънавият" мавзусида ўтказилган ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолиси учун оила асосий ҳаётий кадрият ва ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб қолаётганини кўрсатди. Уларнинг фикрича, давлатимизнинг оила институти ривожлантириш борасидаги самарали, тизимли ва изчил чора-тадбирлари, юксак эътибори тўғрисида оилаларнинг моддий аҳволи ва ҳаёт сифати узлуксиз яхшиланмоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати мустаҳкамланмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоatchилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида ўзА мухбири Умид ЁҚУБОВ тайёрлади.

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Корея Республикасининг Инха университети госпитали шифокорлари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда Ўрта Чирчиқ туманида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Инха университети госпитали шифокорларининг Ўзбекистонда бўлиш дастури доирасида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Саломатлигида муаммоси бор болаларни республика клиниклари ҳамда чет эл тиббиёт марказларида соғломлаштириш, жумладан, туғма юрак нуқсон билан туғилган болаларни даволаш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамиятга молик, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали директори Мухаббат Йўлдошева. – Бу борада фондимиз Корея Республикаси билан қатор соғломлаштириш дастурларини амалга ошириб келмоқда. Мазкур тиббий текширувда Корея Республикаси Инха уни-

верситети госпиталининг малякали 17 мутахассиси – жарроҳ, гастроэнтеролог, педиатр, реабилитолог, ортопед, оториноларинголог, инфекционист, фармацевт, тиббиёт ҳамширалари иштирок этмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ўтган йили оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг "Save the Children" халқаро фонди билан ҳамкорлик қилиб, Инха ва Пундан Ча университетлари госпиталларида туғма юрак нуқсон, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғирган ўзбекистонлик болаларни бепул соғломлаштирган эди.

Инха университети госпитали мутахассислари ва мамлакатимиз шифокорлари Навоий вилоятида ҳам бўлиб, аҳолини умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

И. АВВАЛБОВ,
ЎзА мухбири.



Мутахассис тавсия этади

Ҳисоб-китобларга қараганда, бугун кўчаларимизда қатнаётган енгил ҳамда юк автомобилларининг 70 фоизи газ ёқилгисига ҳаракатланади. Мутахассисларнинг фикрича, сиқилган ва суюлтирилган газ ёқилгиси ҳар тарафлама фойдали. Аввало, транспортлардан атроф-муҳитга аж-раладиган захарли газлар миқдори, қолаверса, автоуловлардаги техник носозликлар камаяди. Бу автоулов эгаси учун бензин харажатига қараганда арзон тушиши ҳам маълум.

МАСЪУЛИЯТ – ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

Бирок, шунинг унутмаслик керакки, суюлтирилган ва сиқилган газдан фойдаланиш катта масъулият ва эътибор талаб этади. Шундай экан, куйидаги тавсияларга жиддий амал қилиш ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутати.

Биринчи навбатда, авто-

мобилларга сиқилган ва суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаларида технологик талабларга тўлиқ риоя қилиниш шарт. Техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, меъёрий ҳужжатларни тегишли тартиб-қоидалар асосида юритиш, шунингдек, шахобчада ишловчи ҳар бир ходим, ёнғин хавфсиз-

лиги учун жавобгар шахслар бу борада етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Белгиланган муддатларда уларнинг малакасини ошириб боришга ҳам эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатувчи ҳар бир ходим махсус коржомда бўлиши талаб

этилади. Автомобилларнинг газ баллони сертификатланганига, кўрикдан ўтганлигига эътибор қаратиш шахобча ходимлари зиммасидаги яна бир муҳим вазифадир. Зотан, сифатсиз ёки муддатини ўтаб бўлган баллонлардан фойдаланиш ҳоллари ҳам, афсуски,

учраб турибди.

Газ тўлдириш вақтида постларда биттадан ортиқ машина туриши, баллонларга белгиланганидан юқори босимда газ тўлдириш, сифатсиз шланглардан фойдаланиш, шахобча ишлаб турган вақтда унинг ҳудудида турли қурилиш, пайвандлаш ишларини олиб бориш мумкин эмас.

Табиий газни тасарруф этишда белгиланган меъёр ва қоидаларга риоя этилса, исрофгарчиликка йўл қўйилмаса, у турмуш фаровонлигига хизмат қилаверади.

Жамол САЛИМОВ,
"Ўздавнефтегазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.

ЭЛДАН ТУШГАНИ ЭЛ ФАРОВОНЛИГИГА

Солиқ ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Хусусан, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан 2015 йил 22 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида" ги Қарорга биноан, 2016 йилнинг 1 январидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари 2015 йилга нисбатан 1,15 бараварга индексация қилинди. Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаб чиқишда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосланилади. Давлат солиқ хизмати органлари мол-мулк ва ер солиқлари суммаси, тўлаш муддати кўрсатилган тўлов хабарномасини жисмоний шахсларга ҳар йили 1 майдан кенчиктириш ётади.

Шу ўринда айтиш ҳақиқатки, жисмоний шахслар мол-мулкни баҳоловчи ваколатли органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаган тақдирда, 2016 йилда солиқ ҳисоблаш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20,328 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8,833 минг сўм миқдорда мол-мулкнинг шартли қийматлари қўлланилади. Ёки айрим сабабларга кўра, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобланмаган бўлса (масалан, солиқ органида жисмоний шахс эгалигидаги кўчмас мулк ёки ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда), давлат солиқ хизмати органлари бундай маълумотларни олган кундан бошлаб солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаши, уларнинг ҳисобланган суммасини қайта

кўриб чиқиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари, шунингдек, фуқаролар томонидан тураржой фонди объектлари нотураржой фонди тоифасига ўтказилганда ёки нотураржой фонди объектлари мулк сифатида харид қилинганда, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади. Уларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар тўлаш белгиланган бўлиб, уни вақтида бажармаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилади. Яъни, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан, ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади ва қарздорлик суд тартибидa мажбурий ундирувга қаратилади. Шунингдек, Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер солигини сурункали тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини бекор қилиш чорасини ҳам қўллаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш жисмоний шахсларнинг қонуний бурчи бўлиб, ундан бўйин товлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Zero, солиқдан тушадиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, аҳоли манфаатларига, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштиришдек, эзгу мақсадларга йўналтирилишини унутмайлик.

Л. АЗАМАТОВА,
вилоят давлат солиқ
бошқармаси ахборот
хизмати бош мутахассиси.

Яқинда нафақат ёзувчилик, балки драматургияда ҳам ўзига хос из қолдирган бир адибни йўқлаб ижодхонасига боргандим. Томдан чакка ўтиб, қанчадан-қанча китоблар увадаси чиқиб ётганини кўриб, ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Айниқса, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини айтмайсизми?! Еткази столи устида қалин чанг босиб ётган кўлэмаларни бирма-бир варақладим. Буларга шундай улуг адибнинг кўз нури ва қалб кўри тўқилганига одамнинг ишонгиси келмайди.

Бирок... эл таниган ва эъзозлаган яна бир шоирнинг шахсий кутубхонасидаги китоблар буюм бозорларининг савдо расталарида ёйилиб ётганини кўриб, ёнидан лоқайд ўтиб кетолмадим. Булар орасида анчадан буюн излаб юрганим Миртемир домланинг дастхати туширилган китобни кўриб, бир хил бўлиб кетдим. Бунга очик-ойдин ёзаётганимдан минг андишадаман. Таассуфлар

Бошлангич 1-бетда.

бўлсинки, айрим фарзандлар ота-онасидан қолган шундай ноёб китобларни дуч келган одам қўлига топшириб юбормоқда. Буларда халқимизнинг орзу-армонлари, дарду ҳасратлари, ғаму

андухлари битилган. Бундай маънавий бойликларга шахсий мулк сифатида муносабатда бўлиб, ундан ноўрин фойдаланишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ. Ота-оналари номини

абдийлаштириш умидида бўлганлар бу ишни уларнинг ижодхонасини обод қилишдан бошлаганлари тузук. Бунинг учун ортиқча ҳашаматнинг кераги йўқ. Масалан, ёзувчининг ижод столини саранжом-

саргайиб ётгандан ёки шунчаки "макулатура"га айланмасдан туриб, юртимиздаги Меҳрибонлик, Муруват уйларида ҳаётиёс, қандай савоб иш бўларди.

Гап қайсидир шоир ёки ёзувчининг хизматиға ортиқча ёки паст баҳо беришда эмас, балки уларнинг маънавий меросини асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш ҳақида бораётди. Агар уларнинг китоблари ихтиёрий ҳолда йиғилиб, республика адабиёт музейи ёки кутубхонаси ташкил этилса, маданий ҳаётимизда яна бир катта воқеа бўлар эди. Бу билан юқорида номлари зикр этилган ва этилмаган кўлаб ижодкорлар маънавий меросининг дахлсизлигини таъминлаган бўларди. Бу музейга яхши ниятда ва иходий ўйлар билан келган ёшлар бир бурчақдан ўрин олган зиёлиларнинг иходий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишарди. Ахир, дунёдаги энг машҳур музейлар ҳам аввал китоб йиғишдан бунёд бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Адиба УМИРОВА.

ШАХСИЙ КУТУБХОНАЛАР АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?



саришта қилиб, ўзига қадрдон ва азиз бўлган нарсаларни дид билан жойлаштириб қўйишининг ўзи кифоя. Бу ерга кирган киши адиб ҳудди ҳозир уйдан чиқиб кетган-у, тезда қайтиб кирадигандек тасаввур ҳосил қилиши қандай яхши. Ахир, одам бутун умрини адабиёт, илм-фанга бағишлаб, ўзидан улкан иходий ишлар билан бирга каттагина шахсий кутубхона қолдириши ҳазилакам иш эмас. "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ", деб шунга айтсалар керак-да! Нима бўлгандаям, шундай ажойиб китоблар тоқчаларда

□ Таквим

«МЕЗОН КИРДИ, НАҚДИНГ ҚЎЛДАН ОЛДИРМА»

– Бобожон, бугун мезон ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз, – дея назира бобосини ҳоли-жонига қўймайди.

– Қани, яқинроқ ўтир-чи, – деди бобо ёнидан жой бериб. "Шу болам келгусида табиатунос бўлса ажабмас", дея қувониб ҳам қўйди. Сўнг набирасига юзланди.

– Мезон 22 сентябрдан кириб, 20 октябргача давом этади. Мезон кирган пайтда кеча билан кундуз тенг – 12 соатдан бўлади. Шундан кейин кунлар қисқариб, тунлар узая бошлайди. Бу ойда ҳаво ҳарорати бир

пасайиб, бир кўтарилиб туриши мумкин. Кундузлари ҳаво иссиқ бўлгани билан кечалари, айниқса, тонгда ҳарорат пасаяди. Бу, ўтаётган ҳар бир кун қишга яқинлаштираётган, дегани. Бир қарасанг, ҳаво қоғоғи уйиб, ёмғир ҳам томчилаб қўяди. Деҳқону боғбонни: "Шошил, доғда қолма!" деб огоҳлантиради. "Мезон кирди, нақдинг қўлдан олдирма", деган нақл бекорга айтилмаган. Бу пайтда қилинган тез ҳаракат хонадонга барака ёғдиради. Мезон офтобиди ҳам бир ҳикмат бор.

– Қанақа ҳикмат, бобожон?

– Ишининг кўзини билган боғбону деҳқонлар мева, кечки сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини мезон шамоли текканидан сўнг йиғиштириб олишарди. Бу пайтда ноз-неъматларнинг шираси тилни ёради. Мезоннинг ҳосияти шунақа, болам.

– Кеча ўртоғим узум узаяпмиз, кейин токни кўмамиз деди. Ҳали вақтли эмасми, бобожон?

– Токни мезон ойи ичида кўмишга бежиз шошилмайди-лар. Мезондан кейин об-ҳаво қандай бўлиши Яратгангагина

маълум. Фаллакорлар ҳам шу ойда ерга уруғ сочадилар. Сабаби, бу пайтда сепилган уруғ тез ва тўла униб чиқиб, совуқ тушгунга қадар илдири ер тишлаб, яхши туллаб олади. Энди унга киши совуғи писанд эмас. Баҳорда гуркираб ўсиб, тўқ бошоқлайди. Дала ишларини мезонда бажариб улгурган фермернинг ўзи ҳам хотиржам қишлайди. Сен, болаҳон, бугун мендан эшитганларининг миёнагидамлаб, иншо ёз. Яхши ёзсанг, келгуси ойда сенга "ақраб" ҳақида гапириб бераман.

– Ҳўп бўлади, бобожон, – набираси шундай дея дарсхонасига кириб кетди.

Нозима АРСЛОНОВА.

Реклама ва эълонлар

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эгаллигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибидида мажбурий ундирувга қаратилади. Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ.**

"Respublika mulk markazi" АЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан қўйиладиган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 22.06.2015 йилдаги 6452/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ ЙҲХБ жариима майдонида сақланаётган, "Ваз-2107" русумли, д/р. 10 У 104 JA бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси - 7 505 818 сўм 45 тийин.

2. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 22.01.2013 йилдаги 138-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Москвич АЗЛК" русумли, давлат рақами 11V 7739 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 602 576 сўм 19 тийин.

3. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 26.07.2012 йилдаги 6184/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Ваз 469" русумли, давлат рақами 110 9168 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 1 592 502 сўм 53 тийин.

4. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 03.05.2011 йилдаги 1360/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "M-412" русумли, давлат рақами 11N 9038 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 247 153 сўм 41 тийин.

5. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 06.10.2014 йилдаги 11656/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар 29-сонли автобазада сақланаётган, "M-412 ИЭ" русумли, давлат рақами 10 У 264 HA

бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 558 639 сўм 20 тийин.

6. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 15.05.2015 йилдаги 4365/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Матиз" русумли, давлат рақами 10 В 588 BA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 11 059 221 сўм 60 тийин.

7. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 12.05.2015 йилдаги 139-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Ваз 21080" русумли, давлат рақами 10 У 065 GA бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 7 513 682 сўм 52 тийин.

8. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 14.04.2015 йилдаги 3962/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Ваз-2103" русумли, давлат рақами 11 W 9623 бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 1 385 100 сўм.

9. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 19.02.2011 йилдаги 1743/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жариима майдонида сақланаётган, "Матиз" русумли, давлат рақами 10 О 129 AA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси - 12 095 888 сўм 38 тийин.

10. Савдога Чирчиқ шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 12.03.2015 йилдаги 1014/13406-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Рамазон қўчаси, 9-А уй, "ЭЛСУС" ИИЧ ҳудудида сақланаётган қўйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: 1. "ТФ3М-220ВТ" (покрышка опорная фарфоровая 220 кВ П2300/700 104 дена), бошлангич баҳоси - 1 041 403, сўм 054 тийин. 2. "ТФ3М-110ВТ" (покрышка опорная фарфоровая 110 кВ П1430/420), бошлангич баҳоси - 689 673 915 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 октябр кўни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишни охири муддати: 2016 йил 14 октябр кўни соат 18.00.

Автотранспорт воситалари билан Ангрен шаҳар суд ижрочилири бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига қилиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Савбон филиалидаги х/р: 20100000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳўжжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қўнуийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига туман ҳўжжати билан ер майдонида бўлган ҳўжжатида ижро шартномаси тузиш шарт билан қўйиладиган "боғзор"лар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "DO'RMON SAYDULAYEV ULUGBEK" фермер ҳўжалиги балансидаги 9,97 гектар ер майдонида жойлашган "боғзор", бошлангич баҳоси - 3 570 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "DO'RMON DOSJANOV DINARA" фермер ҳўжалиги балансидаги 11,95 гектар ер майдонида жойлашган, "боғзор", бошлангич баҳоси - 5 359 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "DO'RMON DOSJANOV DINMURHAMMAD" фермер ҳўжалиги балансидаги 11,95 гектар ер майдонида жойлашган, "боғзор" бошлангич баҳоси - 10 073 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон Агро-фаза ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "DO'RMON - ANMEDOV NIKMATILLA BOGI" фермер ҳўжалиги балансидаги 10,99 гектар ер майдонида жойлашган "боғзор", бошлангич баҳоси - 2 492 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тўзель ҚФЙ, "Нормухамедов Агрофирма" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган, "MIRZAJALI JAXON BOGI" фермер ҳўжалиги балансидаги 0,883 гектар ер майдонида жойлашган, 45 тул гилос ва 60 тул олма дарахтларидан иборат "боғзор", бошлангич баҳоси - 1 349 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 29 октябр кўни соат 11.00 да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу кўни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2016 йилининг 15, 30 ноябр кўнлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Заказал пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБнинг Тошкент шаҳар, Миробод филиалидаги 20208000404876496001 ҳисоб рақамига, МФО 0101, ИНН 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳўжжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўну билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қўну билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Маъжур ҳўжжатлар 2016 йил 28 сентябрдан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кўнида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро қўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва шу кўни соат 18.00 да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун ҳўжжатлар қабул қилиш 2016 йилининг 14 ва 29 ноябр кўнлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2016 йил август, сентябрь ойда ўтказиладиган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади!

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тўзель ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "NORMUXAMEDOV-HASAN-HUSAN BOGI" фермер ҳўжалиги балансидаги 2,80 гектар ер майдонида жойлашган "боғзор", бошлангич баҳоси - 1 547 000 сўм. Сотилиш баҳоси - 2 080 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган, "DO'RMON-ESONOV ANHMD BOGI" фермер ҳўжалиги балансидаги 2,80 гектар ер майдонида жойлашган "боғзор", бошлангич баҳоси - 3 315 000 сўм. Сотилиш баҳоси - 4 309 500 сўм. Хизматлар лицензияланган RR-0008.

Тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори юртимизда тадбиркорлик субъектларига беқиёс имконият ва афзалликлар яратиши билан аҳамиятлидир.

□ Ислоҳот

Маъжур Қарор ва Фармон мамлакатимизда ишбилармонликни янада такомиллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, иқтисодиётнинг ҳусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш борасидаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омилдир. Хусусан, Фармоннинг учинчи бандига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш ва кейинчалик уларни янгилаб бориш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳўжжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик қораларининг қўлланилиши тақиқланди.

Бундай ўзгаришлар ишбилармонларга зарур бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар ва ахборотларни тегишли ташкилотнинг расмий веб-сайтидан тақриблик билан олишга, ўз фаолиятларини қўнуий йўлга қўйишга, айниқса, кенг жамоатчилигининг ҳуқуқий билимини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб, кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлар, яъни қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида фаолият юритаётган кичик

корхоналар ҳодимларининг чекланган ўртача йиллик сонини 100 нафардан 200 нафарга ошириш белгиланди.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба тақдим этилади, бунда статистика органлари томонидан ҳар чорада фаолиятнинг тегишли йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма асосдаги ўрганишлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда барча турдаги давлат статистика ҳисобот шакллари электрон кўринишда тақдим этиш жорий қилинган.

Электрон имзодан фойдаланган ҳолда давлат статистика ҳисоботларининг интернет тизими орқали жўнатишда "eStat 2.0" дастурий таъминотида фойдаланилади. Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими "eStat 2.0" Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига жойлаштирилган. Ҳисоботларни электрон тақдим этилиши тадбиркорлик субъектларига вақт ҳамда ортиқча сарф-харажатлар тежалишига катта ёрдам бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга эътибор берилиши тадбиркорлик субъектларига жуда кенг имкониятлар яратилаётганидан далолат бермоқда.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

Устозимизни эслашимиз билан кўнгли тўла меҳр, қалби дарё сиймо кўз олдимизда гавдаланади. У бизни мактаб остонасида кутиб олиб, ҳарф танитган, сўнгги кўнгирак кўни қўшилиб йиғлаб кузатган, академик лицей ёки касб-хунар коллежида касб танлашимиз ва уни эгаллашимизда йўлбошчи бўлган. У олий таълим муассасаси талабаси бўлганимизда бизга нафақат шоғирд, балки ҳамкасб сифатида қараб, фикримиз билан ҳисоблашган. Хуллас, ҳаётимизнинг энг муҳим нуқталарида муқтарам устозларимизнинг излари бор.

Жамиятда ҳар бир соҳа вакиллари, турли касб эгаларининг алоҳида ўрни бор. Аммо устозлик, мураббийлик ҳаммасидан шарафли ва мўътабардир. Ишчимизни битирган банк ходими ёки кийимимизни тикиб берган чеварга айтган раҳматимиз билан устозларимизга бир умр айтиб ўтадиган раҳмати-

миз, миннатдорчилигимиз ўртасида катта фарқ бор. Бизнинг ким бўлиб вояга етишимиз, жамиятда қандай ўрин эгаллашимиз, Ватанимиз тараққиётига

Бизлар гўё сайқал берилмаган тошимиз. Келажакда гавҳарга айланишимиз ёки оддий тош каби кўчада ётишимиз ҳам устозларимиз меҳна-

монга кўтарди". Уткир Хошимов "Дафтар хошиясидаги битиклар" китобида чархпалак ажаб тавсиф берган: "Чархпалак нолали ғий-

рини юқорига кўтариб бераверади... Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша чархпалак тушларимга қирадиган бўлди. Сўнг бир ҳақиқатни англадим. Мен

олиб чиқиб кўйган устозларим заҳматини оқлай олдиммикин?" Дарҳақиқат, адибимизнинг ушбу ўхшатиши устоз кўрган ҳар бир шоғирд ҳаётида ўз аксини топган.

Ота-оналар азалдан устозлар олдида таъзимда бўлишган, "эти сизники, суяги бизники" қабилида ўз фарзандлари тақдирини устозлар қўлига топширишган. Ота-онамизнинг дуоси ҳаётимизда қанчалик ёрдам берса, устоздан олинган дуо ҳам шунчалик муҳим ва аҳамиятли. Йўлимиз равон бўлиши уларнинг хурматларини жойига қўйишимизда, розилигини олишимизда эканини яхши англаймиз. Устозлар илм-билим бериш билан чекланмай, ўзларининг гўзал тарбия ва хулқлари билан ҳам бизга намуна бўлишади.

Хулоса қилиб айтганда, қомил инсоннинг шаклланишида устозларимиз ҳиссаси бекиёсдир.

Кумуш АБДУСАЛОМОВА,
Қўйи Чирчиқ тумани.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

УСТОЗ КЎРГАНЛАР – КОМИЛДИР

Юртимиздаги турли ҳайкаллар эътиборини тортади. Интернет орқали бошқа давлатлардаги ҳайкаллар билан ҳам танишганман. Уларнинг кўпи буюк шахс, яъни олимлар, сиёсий арбоблар, ёзувчи ва шоирлар. Бадиий асар, кинофильмга қўйилган ҳайкаллар ҳам бор.

Аммо, шеър учун қўйилган ҳайкални ҳеч кўрганмисиз?! Бу қандай шеър эканки, ҳайкалга лозим қўрилган бўлса? Бу Матназар Абдулҳакимнинг "Дарсдан сўнг" номли шеърига аталган бўлиб, ҳаммамизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдирувчи устозларимиз ҳақида.

қай даражада ҳисса қўишимиз, биринчи навбатда, устозларимизга боғлиқ. Ўқитувчилик, мураббийлик алоҳида қалб кўри, меҳр ва эътибор талаб этади.

тига боғлиқ. Буюк шох Искандар Зулқарнайн устози Арасту ҳақида шундай дейди: "Отам менинг осмондан ерга тушишимга сабабчи бўлди, устозим эса мени ердан ос-

қиллаб айланади. Кафтида сув кўтариб, юқорига олиб чиқади. Тенлага чиқиб олган сув ортига қайтмайди. Чархпалак ҳам бундан ранжимади. Янгидан-янги сув томчила-

чархпалакни эмас, устозларимни кўрсатган эканман. Сув – сув эмас, мен эканман! Чархпалак – чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан! Мени – бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига

Моҳият

Жек Лондон Нью Йоркдаги журналга ваъда қилган ҳикоясини белгиланган вақтда топширолмаётган эди. Журнал муҳаррири ёзувчи истиқомат қилаётган меҳмонхонага шундай мактуб юборди:

"Азизим Жек Лондон! Агар ҳикояни йигирма тўрт соат ичида олмасан, хонангизга бориб, бир тепиб, пастга учуриб юбораман. Айтиб қўй, сўзимнинг устидан чиқаман!"

Ёзувчи ноширга шундай жавоб йўллайди:

"Азизим Дик! Мен ҳам ҳамма ишни сизга ўхшаб оёғимда бажарганимда эди, аллақон сўзимнинг устидан чиқардим".

Англиялик машҳур ёзувчи Сомерсет Моэм ихлодининг бошланғичида ёзган романи кутилган натижани бермади. Кўнлардан бир кун адиб газеталарга шундай эълон беради: "Ёш, кўркам, бадавлат врач "Ламбетлик Лиза" романи қаҳрамонига феъл-атвори ўхшаброк кетадиган қизга уйланмоқчи".

Моэмнинг 1897 йили нашр этилган романи – "Ламбетлик Лиза" эди.

Орадан бир неча кун ўтган, роман тезда сотилиб кетди.

Димоғи баланд, бадавлат бир хоним Пикассога деди: – Тўғриси айтиб қўймоқчиман, расмларингизни сотиб оламан, аммо уларни тушунмайман...

– Ҳмм, яхши. Дарвоқе, сиз хитой тилини тушунасизми? – Йўқ, – дейди хоним талмовсираб.

– Шундайми? Аммо, бу тилда миллиардга яқин одам гаплашади.

Кўнлардан бир кун машҳур адиб Марсел Прустни сурбет, ғирт саводсиз бир ёзувчи дуэлга қаҳиради. У Прустга таширфомасини узатаркан, калондимоғлик билан иддао қилади:

– Ўзингиз истаган қуролни танлашингиз мумкин.

– Жуда соз! – хитоб қилади Пруст. – Мен имло қоидаларини танлайман. Сиз ўлдирилдингиз.

Чоршанба ҳикмати

«БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ...»

Омина аянинг оёқдан қолганига анча бўлди. Фарзандлар галма-гал бошида парвона. Она эса, уларни ишдан қўётганидан хижолат. Айниқса, келинимга оғирлигим тушмасин деб, чанқаб, томоғи қақрамагунча, чой сўрашдан истиҳола қилади.

Аслида бу дард анча илгари бошланганди. Болам-чакам деди, "Ўқийсин, элга қўйилсин", деб ўзини аямай, ўтга-чўтга урди, соғлиғини ўйламади. Мана энди кексайиб, белидан қувват кетганида эски дард оёғидан олди.

Фарзандлар тобора чўкиб бораётган онага жон-дили билан қарашади. Ҳа, она олдида қарзлари кўп. Онаизор эса бунга ҳаёлига ҳам келтирмайди, ҳамон фарзандларини аяйди. Ич-ичидан тўқилиб бораётган бўлса ҳам болаларига: "Яхшиман, фақат кексайдим, қариликка эса даво йўқ", деб шифокор олиб келишларига унамайди.

Лекин, фарзандларининг ҳали унисини, ҳали буниси шифокорни етаклаб келади. "Кераги йўқ эди-я, – дейди-да, кейин, – шифо-

кор ёзиб берган шунча кўп дорини сотиб олиб юрма, уни ичишни ёқтирмаслигини биласан-а", деб тайинлайди. Ўғли ва шифокор чиқиб кетишгач, ёнида ҳақ деб турган келинига юзланади: "Қизим, пенсия пулимин қўйган жойингиздан олиб, ўғлимга беринг, доридармонга ишлатар, суусиз ҳам рўзғорни тебратаман деб қўйналиб кетди, болагинам".

Она шундай дейди-ю, қаттиқ оғриқни сездирмаслик учун бор бардоринини йиғиб, синиқ жилмайд...

Неча кундирки, чол ўсал ётибди. Кампир бир 55 йил қувончу ташвишларини бўлишиб яшаган ёстиқдошига, бир даража оша ҳовлига қарайди. Ташқарида қаҳратонининг қаҳри авжига чиққан, тез-тез қор ёғиб, йўлларга ямалак расмини чизади.

– Отаси, ўлим ҳақ, лекин сиз ўлмай тулинг, – дея пичирлайди чолнинг оғзига сув томизиб ўтирган кампир. – Ҳозир ўлсангиз, болаларингиз расм-русумларни ўтказгунча совуқда қийналишад.

Ёстиқдошининг умри тугаётганини ич-ичидан ҳис эттиб, гам-қайғуда ўтирган шўрлик кампирнинг ўтинчлари еттинчи осмонга етиб борди. Шекли, чол нурсиз кўларини аста очди: "Яратган эгам менга яна озгина умр қўшиб берди", деди ҳазин товушда ва егулик сўради...

Тонгга яқин чолнинг тушига собиқ курсдоши кирди. Тоби қочиб, бе-ҳол ётганимиз. Чўчиб уйғонган қариянинг тинчи бузилди. Нонушгани ҳам қўйиб, кўчалик қийилларини кийди. Ҳассасига

таяниб, кампирни ҳамроҳлигида йўлга тушди. Бекат узок, отанинг оёқлари мадорсиз. Неча жойда тўхтаб, дам олиб, бекатга етиб келишди. Автобусда манзилга етиб олишди.

Собиқ курсдошлар пешингача роса қақчақлашди. Кейин мезоннинг: "Ўтириқларингиз, ҳадемай болаларим ишдан қайтишад, бирортаси машинасида олиб бориб қўяди", деганига ҳам қарамай, йўлга тушилишди.

Автобус яқинда ўтган эканимиз, ҳадеганда келавермади. Ўриндикда ўтирган чолнинг мазаси қоча бошлади. Кампир унга хавотир аралаш боқар, дам-бадам: "Тузуқми-сиз?" деб сўраб, тасдиқ жавобини эшитса-да, кўнгли нотинчлиги тарқамасди.

Шу пайт олдиларига

оқ "Нексия" келиб тўхтади. Ёши ўттизлардаги йигит қаерга боришларини сўради. Манзилга етиб келгач, йигит кампир узатган пулни олмади. "Фарзандим касал, шифохонада ётибди, уни дуо қилсангиз..." деди.

Тушига кирган дўстини кўриб келаман, деб чолнинг ўзи бетоб бўлиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашга келган катта қизининг роса жаҳли чиқди. "Ота-жон-ей, ҳамма ўғилларингизни тагида машина бўлса, айтсангиз олиб бориб келишарди-ку", деди у.

– Укаларингни иши кўп, – хўрсинди ота. – Агар мен уларга иш буюрсам-у, "уф" тортишса ёки вақтим йўқ дейишса, гуноҳ ёзилади. Мени деб болаларимнинг гуноҳор бўлиб қолишини хоҳламайман...

Жамила АРСЛОНОВА.

Спорт хабарлари

Бахнинг қарори жиддий

Кейинги вақтларда дунё спортда, чунончи, Олимпиада ўйинларида шаффофлик, соф галаба атрофида турли шубҳа-гумонлар пайдо бўлаяпти.



Допинг муаммоси кўплаб муҳокама ва норозиликлар келтириб чиқармоқда. Хусусан, спортчилардан антидопинг тестлари олинаётганда жараённинг беғараз, холис кечиши масаласида мунозаралар янграяпти. Даъвогарларнинг айтишича, баъзи ҳолларда спортга алоқаси

бўлмаган омилар допинг назорати вақтида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай гап-сўзларнинг олдини олиш ва муҳлисларни тинчлатириш мақсадида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Томас Бах Халқаро антидопинг қўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирди:

– Рио-де-Жанейродаги Олимпиада олдидан юзага келган муаммолар барчага яхши маълум. Биз антидопинг тизими допинг тестларини ўтказиш ва керакли жазо чораларини қўллашда турли халқаро спорт ташкилотларидан бутунлай мустақил бўлиши лозимлигига яна бир бор амин бўлдим. Ушбу ҳолатда, ташкилотни тубдан ислоҳ этиш масалаларини муҳокама қилиб олишимиз лозим. ҲОҚ мажлисида Халқаро антидопинг ташкилоти фаолиятини синчиқлаб ўрганиш масаласи борасида қарор қабул қилинган

эди. Бу орқали ташкилот фаолиятини ишончли, фойдали ва шаффофроқ қилиш кўзда тутилмоқда.

Камар Тайсонда қоладими?

Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) президенти Гилберто Мендоса британиялик боксчи Тайсон Фьюри чемпионлик унвонидан маҳрум қилиниши мумкинлигини айтди:

"Тайсон унвонини йўқотиши эҳтимоли бор. Ҳозирча унинг саломатлиги ҳақида ҳеч қандай расмий маълумот олмадик. Бундай маълумотни



олишимиз билан қарор қабул қиламиз".

Аввалроқ, британиялик боксчи саломатлиги жойида эмаслиги сабабли Владимир Кличко билан реванш жангидан иккинчи марта бош тортган эди. Воқеалар ривожини шундай кечса, спортчи унвонни кўлга киритганидан кейин бир йил ичида уни ҳимоя қилиш учун жанг ўтказма олмайд ва ўз-ўзидан чемпионлик камаридан маҳрум бўлади.

Ким Шараповани енгди

Қозғистонда ўтаётган халқаро турнирда ўзбекистонлик Юлия Ким биринчилардан бўлиб, иккинчи босқичга йўлланма олди. Саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтиб, асосий тур беллашувларига қўшилган ҳамюртимиз дастлабки учра-

шувни қозғистонлик Анастасия Шараповага қарши ўтказиб, икки соату 39 дақиқа да-



вом этган ўйини 6:2, 4:6, 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Жуфтлиқлар мусобақасида Шахноза Ҳотамова мезбон теннисчи Арина Талюенко билан ҳамкорликда россиялик Диана Шевченко ва қозғистонлик Зарина Жумажоновадан 6:2, 6:1 ҳисобида устун келди.

Яна "қовун тушди"
Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати чорак финалида Ироқ термасига қарши тўп сурди.

Мазкур ўйинда Ироқ ўсмирлар терма жамоаси ҳар икки бўлимда ҳам устун томонларини кўрсата олди ва 2:0 ҳисобида галаба қозонди. Натижада, Темур Олимхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Жаҳон чемпионатида чиқиш учун бериладиган йўлланмани кўлга киритолмади.

Эслатиб ўтамиз, икки йил олдин Александр Мочинов мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам ЖЧга чиқиш имкониятини "бой берган" эди.

Б. ҚОДИРОВ.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилымыз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Абдусамал ЙЎЛДОШЕВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ